Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4 1-йил чиқиши. ДЕКАБРЬ 1966 й. ЯКШАНБА № 132. БАҲОСИ 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЭРТАГА — СССР КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

«КАТТА РАҲМАТ!»

М. Горький номидаги Академик Большой драма театри байрамдагидай гавжум эди. Машиналар театр остонасига келиб тўхтаб, ундан қувноқ болалар тушиб келишади. «Салом» деган миннатдорчилик сўзларини тез-тез эшитиш мумкин эди. Машҳур театрнинг артистлари Тошкентдан келиб, Ленинград интернат-мактабларида таълим олаётган тошкентлик 700 дан ортиқ болани спектаклга таклиф этган эдилар.

Ёздан буён қўйилиб келаётган бўлса-да, бугунги спектаклнинг тарихи ажойиб. Чунки, ўша кунларда шаҳримиз аҳолиси Узбекистон пойтахти болаларидан бир группасини меҳрибонлик билан ўз қучоғига олган эди.

Тошкентлик бахтиёр болалар педагог ва пионер вожатийларга тезда ўрганиб кетишди. Уларни «Опа, бугун қаёққа борамиз», «Ака, ҳозир нимани томоша қиламиз», деб саволларга кўмиб ташлашарди. Ана шу кунларда «Вечерний Ленинград» газетаси саҳифаларида «Ленинграднинг маданий бойликлари — Тошкент болаларига» деган сарлавҳали мактуб босилиб чиқди. Уни М. Горький номидаги Академик Большой драма театрининг бош режиссёри, СССР халқ артисти, Ленин мукофоти лауреати Г. Товстоногов, театр директори Л. Нарицин, партия бюросининг секретари Е. Горюнов, РСФСР халқ артисткаси Л. Макарова ва РСФСРда хизмат кўрсатган артист Т. Лавров бутун театр коллективи номидан шаҳримиз санъати ва маданияти арбобларига мурожаат қилиб ёзган эдилар: «Тошкентлик болаларни маънавий жиҳатдан оталарча ғамхўрлик руҳида тарбиялайлик. Шундай қилайликки, улар ўзлари билан бирга Ленинград санъати тўғрисида ажойиб хотиралар олиб кетишсин».

Мактубда Большой театр ёш ўзбек меҳмонлар учун оталиқ спектакли қўйиб бермоқчи эканлиги тўғрисида ҳам хабар қилинган эди.

Мана, болалар ҳузурига республикада хизмат кўрсатган артист К. Лавров келди. У ўқувчиларни спектаклга таклиф этди. Кўплаб фильмлар орқали ўзлари таниб қолган артист билан учрашиш болалар учун катта қувонч эди.

Томоша бошланишидан олдин РСФСР халқ артисткаси Л. Макарова самимий табриклади. ВЛКСМ область комитетининг секретари Галина Баринова меҳмон болаларга Ленинграднинг комсомол ва пионерлари номидан қизғин салом топширди ва уларга ўқишда катта муваффақиятлар тилади.

Болалар А. Хмеликнинг «Кўпиклар» деган пьесасини маза қилиб кўришди. Танаффус чоғларида болалар шу ердаги музейда бўлишди. Уларга Буюк Октябрь бунёдга келтирган театрнинг шонли тарихи тўғрисида ҳикоя қилиб беришди.

7-синф ўқувчиси Саидваҳоб Акромовнинг қалб сўзлари театр коллективи учун юксак мукофот бўлди. Ўқувчи залда ўтирганлар номидан: «Катта раҳмат» айтди.

Қарсаклар янгради. Кейин эса ёш томошабинлар қадрдон ётоқлари томон йўл олишди. Улар фақатгина шу ерда бўлишгани йўқ. Шаҳарнинг ҳамма музейларига боришди. Ленинградликлар ўз шаҳарларини кичкинтойларга саҳийлик билан кўрсатишди.

15-интернат-мактабда ўтган йилиёқ «Гўзаллик» клуби ташкил этилган эди. Бу клубда ўзбек болалар шуғуллана бошлагандан кейин эса бу ерда айниқса ажойиб янгиликлар вужудга келди. Клуб ташкил этган адабий кечаларга артистлар, режиссёрлар, музыкачилар келиб туришарди. Ёш санъат ишқибозлари Ленинград филармониясининг бадиий раҳбари, хизмат кўрсатган санъат арбоби О. С. Саркисовни ўзларининг мураббийлари деб биладилар. Чунки, у болаларни тез-тез концертга таклиф этиб туради. Тошкентлик бахтиёрлар композитор Георгий Портнов билан жуда иноқ бўлиб кетишди.

«Ленфильм» студиясида бўлиш ҳам гоят мароқли ўтди. Кинематографчилар ўқувчиларга ўз ишлари тўғрисида сўзлаб беришди, яратилаётган картиналарда қисмлар намойиш қилишди, студия фаолиятига бағишланган альбомлар тақдим этишди.

Ленин шаҳри Узбекистон фарзандларига ўз маданияти хазинасини саҳийлик билан кенг очиб қўйибди.

Т. САТИР.

(**«Вечерний Ленинград»** газетасидан).

ҲАММА БАҲРАМАНД

Студентлик йилларини кишилар ўз ҳаётининг энг сермазмун даври деб билади. Бу, шубҳасиз, ҳаққоний фикр.

Биз учун ҳамма нарса яратиб берилган. Давлат бизга стипендия тўлайди. Турар жойимиз тайин. Шуғулланишимиз учун аудитория ва асбоб-ускуналар тахт.

Октябрь революцияси ғалаба қилгунга қадар бундай имкониятлар тўғрисида хаёлга ҳам келтириб бўлмасди, деб ҳиноя қилишади қариялар. Ўқиш қаёқда, қора меҳнатдан бошинг чиқмасди. Ўқиш ҳуқуқи бизга ўз-ўзидан берилгани йўқ. Уни ота-боболаримиз қаҳшатқич курашларда қўлга киритиб, Совет Конституциясига мустаҳкам ёзиб қўйдилар.

Институтимиз ҳузурида юксак малакали мутахассислар етишиб чиқади. Медицина хизмати посбонимиз. Биз Иттифоқимизнинг барча шифохона ва санаторийларида маза қилиб дам олишимиз мумкин. Спорт заллари, бассейнлар, сув ости сузиш клуби бизнинг ихтиёримизда. Истасак, бадиий ҳаваскорлик тўгарагида, истасак студентлик илмий жамиятида қатнашамиз.

Биз ўз ўқитувчиларимиз билан фахрланамиз. Улар билим сирларини аямай ўргатишмоқда. Шундай мураббийларимиздан кўпларини халқимиз ўзининг олий органига сайлаб қўйибди. Масалан, физика-математика фанлари доктори А. А. Орифхонова Узбекистон ССР Олий Совети депутати, академик М. Т. Урозбоев Тошкент шаҳар Советининг депутати, геология-қидирув лабораториясининг мудири А. Йўлдошева ва механика факультетининг декан ўринбосари В. А. Полицан Октябрь райони Советининг депутатлари дирлар.

С. ЕЛЕЕСЕВ,
ТошПИ студенти.

БАХТ КИТОБИ

Иўлимизда ёруғ юлдуз Бахт китоби.
Эркимизни этар кўз-кўз Бахт китоби,
Ўқимоқнинг, ишламоқнинг ҳуқуқини
Ҳар одамга бермиш чексиз, Бахт китоби,
Бу китобнинг мазмуни бир оламча бор
Теранликда мисли денгиз, Бахт китоби.
Сўз ҳуқуқи, эрк ҳуқуқи баробардир,
Адолатда аъло, тенгсиз Бахт китоби.
Элимизда барча миллат яшар тотув,
Қардошликни қўллар шаксиз Бахт китоби,
Ҳақиқатнинг офтобини чарақлатди
Тарихларда қолдириб из Бахт китоби.
Ҳис этамиз улуғ доҳий нафасини,
Асли Ильич сўзлаган сўз-Бахт китоби.
Эрксеварлик, бахтсеварлик осмонида
Балқиб турган ёруғ юлдуз Бахт китоби!

Юсуф ШОМАНСУР.

1. ҲАР БИР СОВЕТ ГРАЖДАНИ БИЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА.

Суратда: Тошкент Қишлоқ хўжалик институти агрономия факультетининг бир группа студентлари практика машғулотида (чапдан): арман қизи С. Алихонова, бошқирд қизи С. Букенбоева, ўзбек ўғлони А. Деҳқонов, яҳудий Д. Зауров ва қозоқ йигити Б. Мамишов ўртоқлар.

2. ҲАР БИР СОВЕТ ГРАЖДАНИ МЕҲНАТ ҚИЛИШ ВА ЎҚИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА.

Тошкент пайпоқ-трикотаж фабрикасининг тўқувчиси Мўътабар Имомназарова смена ва ойлик нормаларини ошириб бажармоқда.

3. ҲАР БИР СОВЕТ ГРАЖДАНИ ДАМ ОЛИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА.

Тошкент Тўқимачилик комбинатининг тунги профилакторийси яхши иш олиб боряпти. Профилакторийда соғлиқни сақлаш пункти ишлаб турибди. Телевизор, радиоприёмник, шахмат-шашка, биллиард, кутубхона дам олувчилар хизматида.

Суратда: дам олувчилардан бир группаси (чапдан): Г. Зиганшино, Б. Коршунов, П. Чернокова ва Г. Архипов ўртоқлар.

М. НУРИДДИНОВ фотолари.

500 КИЛОМЕТР

Муборак — Тошкент газ трассасининг азамат қурувчиларидан бугун янги хуш хабар олинди. Улар катта газ магистралида беш юз километр оралиққа газ қувури ётқиздилар.

Географик ва иқлим шароитининг оғирлигига қарамай, қурувчилар ўзларига топширилган вазифаларни муваффақиятли адо этмоқдалар.

Муборак — Тошкент газ магистралининг иккинчи тармоғи тез орада қурилиб бўлинади. Бу магистрал ишга тушгач, сутка мобайнида ўн миллионлаб кубометр ҳажмда зангори ёнилғи юбориб турилади.

КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲИСОБИГА

Янги йил кириб келишига 4 ҳафта қолди. Лекин «Главстройиндустрия»нинг экспериментал-механика заводи коллективи учун ҳозир 1967 йил. Чунки, улар йиллик планни муддатидан илгари адо этганликлари ҳақида ғалаба рапортини бердилар. Корхона пешқадамлари яна булардан ташқари 30 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилдилар.

Корхонада тажриба машиналарини синаб кўриш цехи энг илғор ва тажрибакор, деб ҳисобланади. М. Жернов бошчилик қилаётган бу цехда бу йил маҳсулотларнинг жуда кўп янги турлари ўзлаштирилди. Пойтахтда қурилаётган 2-уйсозлик комбинати учун 12 та горизонталь ва вертикаль установкалар ишлаб чиқарилди. Бу маҳсулот арматура каркасларини пайванд қилишда жуда ҳам қўл келади.

ЭЛЕКТР ДЕНГИЗИ КЕНГАЙМОҚДА

ТОШКЕНТ ГРЭСИНИНГ КОЛЛЕКТИВИ КАТТА МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ. ИККИ КУН ДАВОМИДА 5-ҚУДРАТЛИ АГРЕГАТНИ СИНАВ КЎРИШ ИШЛАРИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАЛЛАНДИ. ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР ЖУДА ҲАМ ҚУВОНАРЛИДИР. ЯНГИ АГРЕГАТНИНГ ЛОЙИҲА БЎЙИЧА КЎЗДА ТУТИЛГАН ҚУВВАТИ 150 МИНГ КИЛОВАТТ СОАТДИР. АГРЕГАТ ИШГА ТУШИРИЛГАЧ, УНИНГ ҚУВВАТИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА, МАЪМУРИЙ МУАССАСАЛАРГА, ХОНАДОНЛАРГА МАДАД «ТОМИРИ» БЎЛИБ КИРАДИ.

БУГУН КАТТА ТЕАТРДА

САНЪАТКОР МЕҲМОНЛАР

Кеча Алишер Навоий номли Давлат опера ва балет Катта театрининг коллективи қардош Болгария Республикасидан келган санъаткорларни кутиб олди.

Тошкентда ўз санъатларини намойиш қилиш учун келган санъаткорлардан бири София Халқ опера театрининг машҳур раққосаси Касимира Колдамовадир. К. Колдамова Москванинг санъат даргоҳларида таҳсил кўрган. У ҳозирги пайтда Болгарияда «Жизель», «Уйқудаги гўзал», «Боғчасарой фонтани», «Ромео ва Жульетта», «Катерина» каби бир неча балетларда асосий ролларни муваффақият билан ижро этмоқда. У Тошкентга биринчи марта келяпти.

Бугун К. Колдамова Алишер Навоий номли театр саҳнасида намойиш этиладиган «Боғчасарой фонтани» балетида Мария ролини ижро этади.

Бу балетда Вацлав ролини ижро этадиган санъаткор Ичко Лазаровдир. И. Лазаров ҳам София Халқ опера театрининг солисти. Бу артист жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ўзининг гастроллари билан шуҳрат қозонган.

Қардош мамлакатдан келган санъаткорлар 6 декабрда «Жизель» балетида иштирок этадилар.

ПОЛЬША ТААССУРОТЛАРИ

Бугун театрда Польшадан қайтган ўзбек санъаткорлари билан суҳбат жуда ҳам қизиб кетди. Гастролчиларни ҳамма саволга тутди. СССР халқ артисти Саодат Қобулова, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист С. Беняминов, республикада хизмат кўрсатган артист Р. Юсупова ва бошқалар Польша Республикасининг ишчилари ва деҳқонларига ажойиб санъатларни намойиш қилишди.

Гастроль жуда ҳам муваффақиятли ўтди.

ГРЕЦИЯГА — ГАСТРОЛГА

Театр раққосаси, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Клара Юсупова Совет Иттифоқи санъат усталари билан Греция сафарига йўл олди.

МАДАНИЯТ ҲОДИМЛАРИНИНГ СЕМИНАРИ

Кеча Тошкентда Ўзбекистон Маданият министрлиги томонидан ташкил этилган маданият ходимларининг бир ойлик семинари ўз ишини бошлади. Семинарга республикадаги областлар, шаҳар, район маданият ўйларнинг инспекторлари, кутубхона мудирлари ва бошқа маданият ходимлари таклиф этилган.

Семинар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пленуми қарорларини амалда тадбиқ этиш мақсадида уюштирилди. Бир ойлик семинар давомида аҳолининг маданий турмушини яхшилаш, бунинг учун маданият ходимларининг галдаги вазифалари ҳақида лекциялар, кўргазмали машғулотлар бўлиб ўтади.

— Наманган район маданият бўлимининг инспектори бўлиб ишлайман, — дейди семинар қатнашчиси ўртоқ Ислом Жалолов. — Районимизда маданий турмуш кейинги йилларда бир мунча яхшиланди. Бунда, албатта биз маданият ходимларининг ҳам муносиб ҳиссамиз бор. Чунки, биз аҳоли ўртасида партия ва ҳукуматимиз қарорларини оғишмай амалга оширмоқдамиз. Бу ердан районга қайтиб боргач, ишнинг янада яхши йўлга қўйиш учун семинарда олган билим ва тажрибаларни ишга соламиз.

Бу ёш ишчилар ҳозир 19-қурилиш бошқармасида меҳнат қилишмоқда. Эр-хотин Валентина ва Николай Шумилиндар моҳир суворчи бўлиб, топшириқни ҳамиша 200-250 процент қилиб адо этишмоқда.

Суратда: эр-хотин ишчиларни кўриб турибсиз.

А. Тўхтасинов фотоси.

БУГУНГИ ЯНГИЛИКЛАР

ИККИНЧИ ПАРТИЯ ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Бугун Тошкентдаги юк товар станциясининг пўлат изларидан Озодлик оролига янги состав йўл олди. Юк ортилган платформалар орасида «Ташсельмаш» заводи меҳнаткашларининг ҳам кубалик пахтакорлар учун юборган совғаси бор.

Қишлоқ хўжалигининг машинасозлари бу сафар Кубада етиштирилган «оқ олтин»ларни ташиб берувчи 6 та «ХВ-17» агрегатини жўнатдилар. Меҳнатсеварларнинг дўстларга юборган совғаларининг сони шу билан 18 тага етди.

Завод коллективи йил охиригача кубаликларга яна 32 та ана шундай пахта териш машинасини тайёрлаб юборишга аҳд қилишди.

Ob-ҲАВО

Шу кеча-кундузда Тошкентда ҳаво бироз булутли бўлса-да, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 0 даража атрофида, кундузи 13—15 даража иссиқ бўлади.

«ТОШКЕНТ» СЕЙСМИК СТАНЦИЯСИ ХАБАР БЕРАДИ

«Тошкент» сейсмик станцияси кеча маҳаллий вақт билан соат 18 дан 27 минут ўтганда 2 марта 3 балли куч билан ер силкинганлигини қайд этди.

ТЎҚИМАЧИЛАР СОВҒАСИ

Тошкент Тўқимачилик комбинатида гўзал рўмолча тайёрланди. Уни қўлга олган сари томоша қилгинг келади. Рўмолчада лўпи бўлиб очилган гўза, бугдой бошоғи, миллий кунгуралар туширилган чинни идишларнинг расмлари солинган. Бу рўмолчани комбинатнинг рассомлари Октябрнинг 50 йиллик байрамига совға сифатида тайёрлашди.

Бундай рўмолчалар яқин кунларда кўплаб ишлаб чиқарила бошланади.

ЧАНҒИЧИ ТУРИСТЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

Тошкентга қор ёғмаяпти. Қор ҳавосидан баҳраманд бўлишнинг ўзига яраша гашти бор. Шаҳар меҳнаткашлари орасида дам олиш кунларини тоғларда чанғи учиб ўтказадиган спорт ҳаваскорлари учун область пассажирлар ташиш бўлими яна бир қулайлик яратди. Маълумки, Тошкентнинг Салор автомобиль станциясидан Чимёнгача ҳар куни «Чимён» ва «12 булоқ» пассажир автобуслари қатнаб туради. Тошкент область автомобиль трести бу маршрутлардан ташқари, Тошкент меҳнаткашларига қулайлик яратиш мақсадида ҳар якшанба ва байрам кунлари Савдо марказидан (Чилонзор) ва Театр майдонидан (Навоий театри) «12 булоқ»қа бораётган янги автобус маршрутлари очишга қарор қилди.

5 декабрь куни Савдо марказдан автобуслар эрта билан соат 7 да, 7 яримда ва 8 да жўнайди.

Навоий театридан эса шу куни эрта билан соат 7 да, 7 ярим да ва 8 яримда жўнайди.

Шу маршрут бўйлаб бундан буён ҳар якшанба кунлари автобуслар қатнаб туради.

Табиат манзарасидан баҳраманд бўлай десангиз ана шу автобусларга тушиб тоғларга боришингиз мумкин.

Т. НАЗАРОВ,
Тошкент область автомобиль трести пассажирларни ташиш бўлимининг бошлиғи.

АРМУҒОН

Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги байрами шарафига ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатаётган пойтахтдаги 3-ун комбинатининг коллективи ноябрь ойи топшириқларини яхши кўрсаткичлар билан якунлади.

Корхона маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига 79,5 минг сўм даромад кўрди.

М. Измайлов бошлиқ бригада эришаётган ютуқлар чакки бўлмаяпти. Бригада эртаминдин йиллик планнинг бажарилиши ҳақида ғалаба рапорти бермоқчи. Илгари корхона электр энергияларни ортиқча сарфлаши натижасида штрафларга ботиб ётарди. Эндиликда аҳвол бутунлай ўзгариб кетди. Шу йилнинг ўн ойи ичида 65,7 минг киловатт-соат электр энергия тежалди.

ТИРИКЛАР ОРАСИДА—АБАДИЙ БАРҲАЁТ

Афсоналар майдони

«Октябрская» шахтасидаги машҳур Н. Гринда бригадасининг кончиси Владимир Шатиренко гражданлар уруши қаҳрамони тўғрисида очерк ёзди. Унинг «Ўқ теккан гул» деган ҳужжатли ҳикоясида пулемётчи шахтёр Воробьёвнинг кўп кишиларга маълум бўлмаган тарихи ёритиб берилган.

— Бу номни мен, — деб хотирлайди В. Шатиренко, — Донецк марказига жойлашган халоқ бўлган коммунистлар скверидаги қардошлик қабрларидан бирида дастлабки бор ўқиган эдим. У ерга: «Павел Воробьёв» деб ёзиб қўйилган. Бизнинг посёлкамиздаги 10-бис рақамли қўшни шахтада ҳам Павел Матвеевич Воробьёв деган одам бор. Бу кекса ишчи шахтадаги биринчи комсомол ячейкасини ташкил этганлардан. Унинг синглиси бу ерда биринчи хотин-қизлар кенгашини тузган, Воробьёвларнинг оиласи катта эди...

Павел Матвеевичдан: «Сквердаги қабрга кимнинг номи ёзилган деб сўрасам у ердаги фамилия ҳам, ном ҳам менинки, лекин у ерга бизнинг тўғишган акамиз Филипп дафн этилган: ёзувни қўйишаётган вақтда хатога йўл қўйилган, — деб жавоб берди.

Қариндош-уруғларнинг, бир вақтлар Филипп Воробьёв билан бирга ишлаган ўртоқларнинг гапларига асосланиб, Шатиренко афсонага ўхшаш тарихни ёзиб олган.

...Филипп Воробьёв қийин вақтда уруддан ўз шахтасига қайтиб келган. 1919 йил. Оқ гвардиячилар революцияга таҳдид солаётган эди. Шунда коммунист Юзовка кончиларининг партизанлик отрядига кирди.

Партизанлар, кейинчалик эса революция ҳимоячиларининг кичик-кичик отрядларидан таркиб топган бутун ўттизинчи совет полки ҳам хушчақчақ ва кўркмас пулемётчини севиб қолишди. Жанглардан бирида Воробьёв ҳалоқ бўлди. Душманнинг ўқи унинг бошига тегиб, қизил пулемётчи ўз фуражкасига тикиб олган гулсимон қизил читни тешиб ўтди. Лекин у ўз жони учун катта хун олди, унинг «Максими» ўнларча оқларнинг ёстиғини қуритди.

Бугун Юзовка — ўша маҳалда Донецкни шундай деб атар эдилар — қизил аскарни кузатиш учун кўчага чиқди, унинг ёрдамчиси солдат Тимка эса, пулемётни судраб олдин да қадам ташлаб борар эди. Тимканинг оқариб кетган қўйлагида ҳамма большевик Воробьёвнинг ўқ теккан қизил гулини кўрди.

Башарти Шатиренко 1919 йил майида олинган фотосурат ни қидириб топмаганида бу ҳикоя афсоналигича қолиб кетган бўлур эди. Унда қаҳрамонни дафн этиш маросими қизил аскарлар, ҳарбий оркестр, Воробьёвнинг жасади солинган тобут олдида ўз «Максими»ни ушлаган ва ёқасига қизил гул тиқилган Тимка тасвирланган.

Қидирув ишлари шу билан тугаллангани йўқ. Донецкдаги ўлкашунос шахтёр тўплаган материалларни Воробьёв хизмат қилган батальоннинг, сўнгра эса полкнинг собиқ комиссари Ф. М. Соколов тўлдирди. Шатиренко бу одамни Москвада учратди. Кекса большевик ўзининг полкдош ўртоғи накадар матонатли, революция ишига берилган коммунист бўлганлигини гапириб берди...

Филипп Воробьёв энг фахрли жойга — шахтёр ўз жонини қурбон қилган ишчилар шаҳрининг бош кўчасидаги скверга дафн қилинди.

...Ҳалоқ бўлган коммунарлар сквери революция солдатлари тўғрисидаги ҳали жуда кўп шонли афсоналарни яшириб ётибди. Жангда ҳалоқ бўлган Юзовка большевистик подпольесининг активларидан бири, жангда ҳалоқ бўлган Андрей Ковалнинг жони шу ерда узилган эди. Чўян тахталардаги қиска ёзувлар моделчи Федот Чекирисов билан тикувчи Арон Славининг жасоратларини эслатади.

Иван Иванов отрядидаги 19 навқирон кўнгилли ҳам шу ерда дафн этилган. Уларнинг ҳаммаси келажак — коммунизм учун ўз жонларини қурбон қилганлар, халқ эса уларни коммунарлар деб атаган.

В. ГЕРЦЕНОВ,
Донецк шаҳри.

Кўчага эри номи қўйилган

Андрианов номли кўчада «Анна хола»ни ҳамма танийди. Ҳар бир киши-катта ҳам, ёш ҳам унинг уйини кўрсатиб беради: 9-уй, 46-квартира.

...Уйнинг деворига шу йилги янгилигина Фахрий ёрлиқлар осиб қўйилган. Унга заводда «ота-оналар комитетини ташкил этганлиги, клуб ишида актив қатнашганлиги учун» деган сўзлар ёзилган. Саксонга кирган бу аёл неча йиллардан бери бир дақиқа ҳам тинним билмайди, яна бирон мактабга бориб революция йиллари ҳақида гапириб бериши, слесарь Боровикнинг тўйига квартирасини жиҳозлаши лозим, чунки келин-куёвларнинг уйи тўй ўтказишга торлик қилади. Докторга ҳам учрашиши лозим эди. Ўнг кўзи ҳали тетик, чап кўзига дурбин ҳам ёрдам бермаяпти, лекин бу ишни кейинчалик қилса ҳам бўлади.

Анна Юрьевна Андрианова машҳур Кренгольм мануфактурасида тўқувчи бўлиб ишлар эди. У вақтларда саводсиз бўлиб, камбағал бўлганлиги учун ҳам фабрика эгаларини ичичидан ёмон кўрар эди. Оғли равишда уларни ёмон кўришиб у эри поручик Андриановдан ўрганди. Уларнинг «тўй саёҳати» ишончсиз поручикни Сибирдаги хизматга сургун қилишдан бошланади, кейинчалик бу саёҳат биринчи жаҳон урушининг окоплари орқали ўтди. Анна у ерда патронлар ташиб берар, ярадорларнинг ярасини боғлар, агитация олиб борар эди.

У коммунист эри билан бирга гражданлар урушида қатнашди. Мингларча чақирим йўлни пиёда босди, очлик изгиринга бардош берди, жанг қилди. У ҳамиша эри билан ёнма-ён туриб санитар, квартирмейстер, жангчи бўлиб хизмат қилди.

Сибирни колчакчилар ва интервентлардан озод қилган Қизил дивизиялардан бирининг талантли командири Борис Александрович Андрианов 1953 йилда Омскда вафот этди. Орадан бир неча йил ўтгач, шаҳар тез кенгая бошлаган пайтда янги кўчалардан бирини унинг номи билан аташди. Янги кўчадаги биринчи квартирани Анна холага беришди.

Бу ерга кўчиб келганларнинг айтишича, у «Андрианов номли кўча» деган сўзлар ёзилган тахтачага бир дақиқагина қараб турган-у, кўзига ёш олиб, йўлида давом этган...

В. ЛОБОДА.

РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙЛАБ

Чирчиқ шаҳрида яқинда янги маиший хизмат комбинати қуриб битказилди.
Суратда: маиший комбинат биноси. **М. Нуриддинов фотоси.**

● ●

Навоий химия комбинати коллективи йиллик планни 20 декабрда бажаришга аҳд қилган. Улар ҳозир фидокорона меҳнат қилмоқдалар.
Суратда: аммиак цехнинг илғор ишчиларидан И. Фёдоров, Д. Раҳмонқулов ўртоқларни кўриб турибсиз.
В. Сироткин фотоси.

ИХТИРОЧИ

У изланиш, янгилик сари интилиши натижасида ўз орзусига эришди. Бугун қалбида зўр шодлик, чеҳрасида қувонч. Виктор севинмай ким севинсин, ахир. Ҳамма уни эришган муваффақият билан чин юракдан табриклаяпти. Ахир у фақатгина моҳир арматурачи бўлибгина қолмай, балки касбдошлар орасида машҳур ихтирочи сифатида ҳам обрў қозонда. Арматурачилар ишини енгилаштириш, ози меҳнат сарфлаб кўп ва сифатли иш бажариш йўлини ўйлаб топди, ҳамда уни ишлаб чиқаришда кенг жорий қилди. 80 килограммли чамбарак шаклидаги сим ўрамларини ёзиш, уни бўлакларга бўлиб кесиб, арматура шаклига келтириш учун илгари етти киши меҳнат сарфлар эди. Бу эса арматурачиликда жуда кўп ишчи кучи ва меҳнат талаб қилар эди. Пешқадам арматурачи йигит Виктор топган ихтиро эса ана шундай қийинчиликларга узил-кесил барҳам берди. Олти киши бажариши лозим бўлган ишни атиги бир ишчи бир соат давомида амалга оширади.

Хўш, Викторнинг ўзи ким? Бу саволга жавоб бериш учун у босиб ўтган ҳаёт йўлига бир назар ташлайлик.

Виктор Макуха Харьков шаҳрида туғилиб, вояга етди. У ёшлигиданоқ бинокорлик касбига зўр ҳавас қўйди. Ўрта мактабни тугатгач, Харьковдаги қурилишларда меҳнат қилди. Шу ерда у шонли Совет Армияси сафига чақирилди. У ерда ҳам Виктор бинокорлик касбини селматурачи йигит Виктор топган ихтиро эса ана шундай қийинчиликларга узил-кесил барҳам берди. Олти киши бажариши лозим бўлган ишни атиги бир ишчи бажаришга ўргатди. Виктор ҳозирги кунларда ўз ишини ишлаб чиқаришда ишлатиб, ишчиларга ўргатиб, ишлаб чиқаришни ошириш ва меҳнат сарфлаб кўп ва сифатли иш бажариш йўлини ўйлаб топди, ҳамда уни ишлаб чиқаришда кенг жорий қилди. 80 килограммли чамбарак шаклидаги сим ўрамларини ёзиш, уни бўлакларга бўлиб кесиб, арматура шаклига келтириш учун илгари етти киши меҳнат сарфлар эди. Бу эса арматурачиликда жуда кўп ишчи кучи ва меҳнат талаб қилар эди. Пешқадам ар

АЖИН ТУШМАСИН ДЕСАНГИЗ...

ЮВИНИШНИ ЎРГАНИНГ

Кўпинча мана бундай бўлади. Одам ҳали унча ёшга бормаган-у, юзларини ажин қоплайди. Баъзи одамлар бу нимадан бўлса экан, деб таажжубда қолишади. Бу нарса ички секреция безларининг яхши ишламаслиги, асаблар бир оз ишдан чиққанлиги, умуман ички органларнинг бирортаси унча яхши ишламаётганининг оқибатидир. Ундан ташқари, хулқи ёмон, сержаҳл одамларнинг ҳам юзида ажинлар тез пайдо бўлади. Аччиқланиш, тажанглик, одамнинг кайфиятини бузибгина қолмай, қон томирлари, мускулларнинг қисилиши, тортишишига ҳам олиб келади. Бунинг натижасида, терининг озиқланишига путур етади. Худди шунинг ўзи юздаги рангни қочиради ва ажинлар хосил қилади.

Чарақлаб турган қуёш ёғдуси, ортиқча намгарчилик, қаҳратон совуқ, шамол, изғирин, чанглар ҳам юз терисига салбий таъсир қилади.

Юз терисини парвариш қилиш керакligини жуда қадим замонларда ҳам билишар, эрамиздан олдинги пайтларда сув ва ёғ косметика бўлиб ҳисобланар эди. Бу нарсалар биринчи навбатда жанубда яшовчилар учун қўлланилган. Негаки, серқуёш жануб ўлкаларида юз терси тезроқ сўлиган.

У пайтда юзга суриладиган мойларни ҳайвонлар ёғидан тайёрлашар эди. Шарқ халқлари бундай ёғларга хуш ҳид келадиган бошқа моддалар қўшиб ишлатишар эди. Хуш ҳид мойни ишлатувчи учун ёқимли бўлибгина қолмай, ҳар хил чивин ва ҳашаротларга қарши ҳам қўлланилар эди. Қадимги руслар эса айиқ ва бўри ёғларини терини юмшатиш ва ҳар турли касалликларни даволашда қўллашган. Кейинчалик эса, чўчқа ва ғоз ёғларига ўсимлик сувлари томизиб ҳар хил дорилар тайёрлашган.

Қадимги машҳур табиблардан Гиппократ, Плиний, Клавдий Гален, Абу Али ибн Сино ёшликни қўриқлаш ва умрни узайтириш учун терини ёғ ва сирка билан артиш керакligини тавсия этишган. Галин кексаликка мойил бўлиб қолган организмни иссиқ ва нам тутиш керак дер эди. Унинг фикрича шундай қилинганда қон айланиш жараёни яхшиланар, бинобарин кексайишнинг олди олинган бўлар эди.

Совет косметологиясининг вазифаси эса энг олдин одамнинг соғлигини яхшилаш, ундан сўнг чирой тўғрисида ўйлаш лозим, дейди. Косметика бўйича шуғулланадиган врачларнинг бир хиллари юздаги сепкиллар, турли-туман доғлар, юз терисининг қуруқлиги ёки терининг ёғлилиги, ажиндорлигига қарши иш кўришади. Юқоридаги нуқсонларга йўл қўймаслик учун ҳар бир киши юз терисини яхши парваришлаши керак.

Кўпчилик юзни парваришлаш деганда қандайлигидан қатъий назар, турли-туман кремларни чаплаш, деб тушунади. Бу нотўғри. Аввало ювинишни ўрганиш керак. Яъни юзда йиғилган ёғ, тер, changларни яхшилаб тозалаш лозим.

Нормал ва қуруқ юз терисини ҳар куни эрталаб совуқ сув билан совунсиз ювиш керак. Совунни эса бир ҳафтада бир марта сурилса кифоя. Кечқурун «Лилия», «Утро» каби лосьонлар, «Бархатний», «Утро», «Миндальное молоко» ва ўсимлик ёғи билан артиш керак.

Юз тозалаб бўлингач, унга «Люкс», «Восторг», «Нектар» (қуруқ терили юзга) каби юмшатадиган кремлар суриладиган.

Терисига ёғли бўлган юзларни эса эрталаб совуқ сув ва совун билан ювиб, кечқурун «Старт», «Арктика», «Ромашка» каби лосьонлар ва синтомицин, салицил ҳамда камфорали спиртлар билан артиш керак.

Ёғли терини туз ва совун билан ювган яхши. Бунинг учун кичик губка ёки пахтани сувда намлаб, устига озроқ туз сепиш ва юзнинг ёғли қисмларини ортиқча босмасдан майин ҳаракатлар билан силаш керак. Юзга ётқизилган намакобли совун кўпигини юз қуригандан кейин ювиб ташлаш маслаҳат берилади. Юз шу усулда ювилганда, юздаги ҳуснбузарнинг ўринлари тортилиб, юз терисига анча киришиб, силлиқ бўлиб қолади.

Кўпчилик юзини совун ёки намакобли совун билан юва олмайди. Негаки, бу-нарсалар юз терисига салбий таъсир қилади. Шундай пайтда совун ва туз ўрнига бура ва чой содаси қўлланилади.

Терисига ёғли юз ювингандан сўнг ёрилиб кетадиган бўлса, унга юз унча қуримасдан «Улибка», «Маска», «Лотос», «Идеал» каби бир оз юмшатадиган кремларни суриш лозим.

Юзингиз ҳоҳ қуруқ, ҳоҳ ёғлиқ бўлсин крем ювинган заҳоти сурилади. Крем суриларганда юзнинг маълум низиқларига алоҳида аҳамият бериб, бармоқларингизни шу чизиқларда майин ҳаракатлантиришингиз керак.

Иякни силаганда иякнинг ўртасидан пастки жаг бўйлаб қулоққа томон яноқ силанганда лаб бурчагидан қулоққа томон — устки лабнинг ўртасидан қулоқнинг юқорисига томон ҳаракат қилиш керак.

Кўз атрофини силаганда юқори қовоқни қош бўйлаб силаб бориб, пастини бурун томон силаш лозим.

Пешонанинг чизиғи қошнинг устида бўлади. Шу чизиқлар бўйича бармоқларингизни майин юргазишингиз керак.

И. КОЛЬГУНЕНКО,
врач-косметолог.

МЕҲРИБОН

ШИФОКОРЛАРИМИЗ

Биз Нина Владимировна Грохова хонасига кирганимизда, у ўрта бўйли, мағиз ранг ўттиз ёшлар чамасидаги аёлга нималарнидир тушунтирарди.

— Қизим, сен аввалгига қараганда анчагина дурустсан. Тезда ҳеч нарсани кўрмагандек бўлиб кетасан. Илоҳи борича асабийлашма. Парҳез ҳам саломатлик гаровидир...

Врачнинг хонасидан чиққан ҳар бир бемор руҳи кўтарилган ҳолда чиқади. Бу эса бошқаларга ҳам таъсир қилмай қолмайди.

Ўртоқ Н. В. Грохова ёшлигидаёқ врач бўлишни орзу қиларди. У мактабда ўқиб юрган пайтларида медицинага оид китобларни ўқир, қўшни маҳаллядаги касалхонага бориб, у ерда медицина ходимлари билан тез-тез суҳбатлашиб турарди. Синфдошлари ва ўқитувчилари уни албатта врач бўласан, дейишарди.

Зийрак қиз Нина ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатиб, Тошкент медицина институтига кириш имтиҳони топшиди. У институтга кириб олгач, ҳар бир лекцияни эҳтиёт билан тинглар, амалий машғулот ва лабораторияларида бошқаларга намуна бўла бошлади.

Ўртоқ Грохова институтнинг 3-курсидан бошлаб тез ёрдам ҳаво станциясида диспетчер вазифасини бажарди. Лекин тўсатдан бошланган уруш ёш Нинани Ватан мудофаасида қатнашишга отлантирди. У ўз ҳоҳиши билан 1941 йилда институтни тугатгач, фронтга жўнади. Госпиталда ишлар экан, қанчадан-қанча жангчилар ҳаётини сақлаб қолмади дейсиз. Ҳа, уруш ғалаба билан якунланди. 1945 йилдан бошлаб у яна ғўзал Тошкентга — меҳнат қучоғига қайтиб келди.

Ўзининг ширин сўзлиги, камтарлиги, самимийлиги билан танилган Нина Владимировна ташаббуси билан 16-касалхона қаршисида ўпка даволаш пункти ташкил этилди. 1953 йилда бу пункт диспансерга айлантирилди.

Бутун умрини инсон саломатлиги йўлига бағишлаган меҳрибон шифокор бир неча бор район, шаҳар советига депутат бўлиб сайланган. У Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан ҳам мукофотланган. Мана, бир неча йилдирки, у инсон саломатлиги йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилянти.

М. АКРОМОВА.

Париж. Эр-хотин Лаланиларнинг меҳмонлари мезбонлар уйида бир гала қўйни кўриб... ҳайрон қолишди. Маълум бўлишича бу уй эгалари энг сўнгги ҳарид қилган сўри бўлиб, уни ҳар хил курсчаларга ажратиш мумкин экан.
ЮПИ — ТАСС фотоси.

СУВ ҲАВЗАЛАРИГА ПАРДА...

Бу йил республикамизда қиш яна қуруқ келяпти. Мутахассислар фикрича сўнгги 80-85 йил давомида бундай об-ҳаво энди кузатилиши. Бундай шароитда тоғларда қор тупланувининг имконияти оз, бинобарин, келаси йил ёзда сув тақчилроқ бўлади. Тўғри, кейинги йилларда қурилган улкан сув ҳавзалари бу масалани деярлик кун тартибидан қиқиб чиқарди. Аммо сув ҳавзаларида тўпланган сувнинг қарийб чорагини жазирама ёз бекорга буғлатиб юборади. Хўш, бунинг олдини олиш мумкин эмасми?

Олимлар шу мақсадда махсус тўйинган спиртлардан ташкил топган «частокол» номли мономолекуляр пленка ихтиро қилдилар. Бундай парда билан «қопланган» сув фазога буғланиб кета олмайди.

«Частокол» билан Севан кўли ва Волдай сув омборида ўтказилган тажрибалар кутилганидан зиёда натижа берди. Ҳар квадрат метр юзага суткасига 0,1 граммдан «частокол» сарфланганда сувнинг буғланиши 36 процент камайди. Бу мамлакатимиз қурғоқчилик районлари учун анча фойдали рақам.

А. АЛОВУДДИНОВ,
кимё фанлари кандидати.

Тушингни сувга айт

ҲАЖВИЯ

Ориф ака жаҳига тушган муштдан сесканиб уйғонди ва хотинини бир туртиб уйғотди:

— Нима бало бўлди сенга, Холпош, нега ураяпсан?

— Қачон урдим?

— Нах жаҳимни ёразёздинг-ку!

Кампир кулди.

— Нега куласан? — деди Ориф ака энсаси қотиб.

— Яхшиям тушим экан, бўлмаса соқолингизни битталаб юлардим.

— Ҳа, нима бўлди?

—Тушимда мени думсан дедингиз.

— А...?

Холпошша холанинг тушида яна юрак касали тутиб қолганмиш. У қўйрда-қўймай кроватда ётган эрига ёлворишти:

— Туринг, бозор қилиб чиқинг. Эртагаёқ бешик тўйини бошлаб юбораман.

— Сени жин-пин урдими? Ярим тунда қаёққа боraман? Эсингни йиг, хотин, — деганмиш Ориф ака хотинига гап қайтариб.

Бунга Холпошша хола чидолмабти.

— Туринг дедим, туринг! Менинг ичимни ит талаяпти. Сиз бўлсангиз, хуррак тортишдан бўшамайсиз, — деб кўрпани тортиб олганмиш.

— Тинч, қўйсанми, йўқми? Бешик тўйи бўлмайди дедим, бўлмайди, — дебти баттар аччиғланиб Ориф ака.

— Сизга ким айтди бўлмайди деб?

— Келининг айтди.

Холпошша хола тутоқиб кетганмиш.

— Келиним бекорларни айтипти. Бош боласини туғди, оғаси бешик қилгани йўқ. Опаси тўрт метр чит, битта нон билан йўқлатмади. Кўча-кўйда бош кўтариб юришга тоқатим қолмади. Қўни-қўшнилар олдида обрўйим йўқолди. Яна отаси бухгалтер эмиш.

Бунинг отаси битта бешикка кучи етмайдими?..

— Эҳмасан-да, хотин, — деганмиш Ориф ака Холпошша холанинг охирги сўзларига қулоқ солмай. — Қачонгача эскиликни судраб бировларга дум бўлиб юрасан.— деб дакки берганмиш.

— Нима, нима? 45 йил турмуш қилиб, дум номини орттирдимми? Мен дум бўлдимми? А?!

Холпошша хола жаҳл билан столни бир урганмиш. Шу мушт Ориф аканинг жаҳига тушган мушт эди. Холпошша хола тушини гапириб берар экан, эри жаҳини ушлаганча:

— Ғапни қисқа қил! Тушингни сувга айт, — деди-да, кўрпага бурканиб олди.

С. ҲАСАНОВ.

Маслаҳатларимиз

● Шакар билан қуйилтирилган сут (сгущённое молоко)ни банкаси билан кастрюлкага солинг, устидан кўмиб турарли сув қуйиб 4-5 соат давомида қайнатсангиз, банка ичидаги нарса қуюқ ҳолвайтар ҳолига келади. Иссиқлик таъсирида таркибидаги шакар карамель ҳосил қилиб, ранги сариғиш оқ тусдан жигарранг тусга киради. Мазаси ирис қандининг мазасидан ҳеч қолишмайдиган бўлиб қолади. Буни болаларга нонуштада нонга суркаб берсангиз, ҳузур қилиб еёишади.

● Ширгуруч пишираётганингизда устидан оз-оз совуқ сув ёки сут солиб турсангиз, гуручи дона-дона бўлиб пишади.

● От гўшти жуда қаттиқ, мушак тўқималари қўй гўштиникига нисбатан дағал, пишиши ҳам қийин. Бироқ бу серлаззат масаллиқни ҳал-ҳал қилиб пиширсиз йўли бор. Агар сиз от гўштидан яхна тайёрламоқчи бўлсангиз уни илиқ сувга солиб милтиллатиб қайнатинг. Қозонга анжир шохидан бармоқ катталигида тароқча кесиб олиб ташлаб қўйинг.

⊙ Нўхат ивитилган сувни бекорга тўкиб юбормасдан кастрюлкага қуйинг. Бунга пича туз қўшиб қайнатинг. Ҳарорати нормал ҳолга келганда оғиз чайқалса тиш оғриғини даволайди, милкларни мустаҳкамлайди, оғиздаги қўланса ҳидни кетказади.

⊙ Бир пиёла қатиқ ва бир ош қошиғида шакар солиб яхшилаб ийласангиз, нордонлиги қирқилади. Агар қатиқ ёғлироқ бўлса, шакар қўшилгач, қаймоқдан фарқ қилмайдиган бўлиб қолади. Ушбу таом ҳазмлаш аъзоларининг фаолиятини яхшилайди. Ҳар куни наҳорда ёки кеч ётар пайтда бир пиёладан ширин қатиқ ичиб юрган киши доим бардам, бақувват унчамунча касалликларга чалинмайдиган бўлади.

ЧЕТ ЭЛ ЮМОРИ

Трамвайдаги «ҳурмат»

— Ҳа, дўстим, мазанг қочди шекилли, кўзингни юмиб олдинг?

— Йўқ, мен қариялларнинг тик туришига қарай олмайман.

Сайр пайтида

Шаҳарда биронта ҳам ҳайкал учратмаган турист сўради:

— Бу шаҳарда буюк одамлар туғилганми?

— Йўқ, чақалоқлар туғилади, холос.

Театрда

Профессор Хафман театрда ўтирганда унинг орқасидаги икки томошабин бетўхтов гапираверди. Профессор уларга шундай деди:

— Кечирасизлар, ахир, бирорта ҳам сўзни тушунолмаяпман-ку.

Ғаплашиб ўтирган йигит эса:

— Сиз марҳамат қилиб аралашмай ўтираверинг, мен хотиним билан гап ашаяпман, — депти.

Химия дарсида

Профессор: — Агар биз бир парча олтинни очиқ ҳавода қолдирсак қандай ҳодиса рўй бериши мумкин?

Студент: — Ўғирлаб кетишади, жаноб профессор.

Шифокор ҳузурида

Жаноб Миллер томоғи оғриб қолиб врачга мурожаат қилди.

— Сиз ангина бўлибсиз, биз уни олиб ташлаймиз. — деди врач ва операция қилди.

Бир неча кундан сўнг жаноб Миллер қорни қаттиқ оғриб, яна врач олдига келди. Врач унга:

— Сиз кўр ичак бўлибсиз, ҳеч хавотирланманг, биз дарҳол кесиб ташлаймиз. — деди.

Жаноб Миллер кунлардан бир кун яна врач олдига келди.

— Хўш, бу safар сизни нима безовта қиляпти?

— Жаноб доктор айтишга қўрқаяпман.

— Нега энди?

— Менинг бошим оғряпти...

КУЗАТУВ ОРИЕНТИРИ

Самолёт аэропорти машқ қилиб учарган, визуал ориентир асбоб ишдан чиқди. Ногаҳон булутлар орасидан шаҳар қораси кўриниб қолди.

— Шаҳар кўриняпти, — деди штурман мослама орқали учувчига.

— Қайси шаҳар?

— Таниёлмадим. Аниқроқ мўлжалим ҳам йўқ.

— Ундай бўлса, яхшироқ қараг. Кўчаларида нималар кўряпсиз?

— Икки ерда тунаётганларини кўряпман.

— Э, бу — Чикаго шаҳри. Кўнишга ҳаракат қилаверайлик.

«ТАГИМИЗДА»

Десантчи немага торпедочи самолёт ҳужум қилиб, уни ҳалокатга учратди. Кема чўка бошлади.

— Ғарқ бўлдик! Ердан қанчалик узоқдайкинмиз? — саросимада қолган жангчилардан бири телбаларча бақирди.

— Бир милягина — деди шу орада турганлардан бири.

— Худога шукур! Ер қайси томонда?

— Тагимизда! — жавоб қилди у бёқ остини кўрсатиб.

(ЭРТАК)

Қадим-қадим замонда, қуйой чиқар томонда бир қишлоқ бор экан, қўчалари тор экан, кўпчилик бемор экан, одамлари хор экан, бир бурда нонга зор экан. Шу қишлоқда бир чол яшар экан. Унинг бисотида битта сигири ва қўзининг оқу-қораси, якка-ягона ўғли бор экан. Чол ўғлини жуда яхши кўрар экан. Уни ишлатмас экан. Ҳамма вақт ўйнатиб қўяр экан. Аммо чол ўғлига: «Кишининг кўнглини қолдирадиган иш қилма. Синган нарса уласа туралади, аммо вайрон бўлган кўнгилни минг улаган билан тузатиб бўлмайди».— дер экан.

Кунлардан бирида боланинг улфатларидан биттаси:

— Ўзинг ишламасанг пулни қаёқдан оласан?— депти.

— Отам берадилар.

— Отанг қаёқдан олади?

Бола шу куни уйга келиб, кечаси билан ухламай чиқибди: «Ростдан ҳам отам пулни қаёқдан олади?— деб ўйлаб кетибди у.

Эртасига эрталаб чол пул узатаркан: «Шунча тиллани қаёқдан олаяпсиз?»— деб сўрапти отасидан ўғли.

— Боғини суриштирма, мева-сини еёбер!— деб жавоб берипти чол.

Орадан бир неча кун ўтиб, ўша оғайниси:

— Шунча пулни қаёқдан олаяпсан?— деб сўрапти яна.

— Отам берадилар!— деб жавоб берипти-ю, бола қаттиқ ўйланиб қолипти.

Шу ўй билан уйига келипти. Овқат ҳам емапти. Сув ҳам ичмапти. Кечаси юлдуз санаб мижжа қоқмапти. Азон вақтида оёк товуши эшитилипти. Бола қараса, отаси челак кўтариб оғилхонага борипти. Сигирни соғипти. Сутини пишириптн, пишган сутни хурмачага солипти. Уни шипга осипти. Кейин, шипда, осиғлиқ турган бир хурмача қатиқни олиб, боғчага кириб кетипти. Бола ўрнидан иргиб туриб, отасининг орқасидан боравeрипти. Чол боғнинг бир четидаги тепалик олдига бориб тўхтапти. Бола лип этиб дарахт устига чиқиб, отасига қарапти. Отаси тепалик тагидаги ғорнинг оғзига хурмачани қўйиб, нималарнидир гапираётган эмиш... Бола ҳайрон бўлиб қулоқ солипти:

— Илоним чиқ-чиқ. Қатиғингни ич-ич. Олтинимни бер-бер.

Шу вақт ғордан узун олачипор илон судралиб чиқипти. Хурмачадаги қатиқни ичипти. Яна бошини хурмачага тиқиб, бир хурмача олтин қусипти. Кейин секингина ғорга кириб кетипти.

Бола лип этиб дарахтдан тушипти-да, отасидан олдин ўрнига бориб ётипти. Отаси келипти, қиладиган ишларини қилиб, кўчага чиқиб кетипти.

Бола кейинги куни кечқурун отасидан олдин ётипти. Яна кўзига уйқу келмапти. Азон вақти отасидан олдин турипти. Ўйдан ош пичоқ, шиппак эса бир хурмача қатиқ олиб ғор олдига борибди. Хурмачани кўрсатипти.

— Илоним чиқ-чиқ. Қатиғингни ич-ич. Олтинимни бер-бер!— дейиши биланоқ, ғордан олачипор илон судралиб чиқипти. Қатиқни ичгани бошини хурмачага тиқипти. Шунда бола: «Ҳар куни қатиқ ивитиб овора бўлиб юраманми, бира тўла бор олтинини олакетай»,— деб ош пичоқ билан илонни чопипти. Илоннинг боши чир этиб осмонга кўтарилибди-ю, боланинг бошидан кириб, товонидан чиқипти.

Эрталаб чол ўрнидан турипти. Одат бўйича оғилхонага бориб сигирни соғипти. Сутни пишириб қатиқ қилипти. Хурмачалардаги қатиқлардан бирини олиб боққа кирипти. Тепалик олдига борса, ғор лабида ўғли ўлиб ётганмиш.

Чол ўғлини қучоқлаб ҳўпам йиғлапти. Йиғидан ҳеч нарса чиқмапти. Чол ҳайрон бўлипти Нима қилишини билмапти. Ниҳоят, илон эсига тушипти. Ғор олдига бориб, хурмачани кўрсатиб:

— Илоним чиқ-чиқ. Қатиғингни ич-ич. Олтинимни бер-бер,— депти.

Қараса илон чиқмасмиш. Чол яна хурмачани кўрсатиб, ғорга қараб гапирипти:

— Илоним чиқ-чиқ. Қатиғингни ич-ич. Олтинимни бер-бер!

Шу вақт ғордан овоз чиқипти.

— Энди мени чақирма. Агар ғордан чиқсам, мени кўришинг билан эсингга ўлган боланг келади, сени кўрганимда, менинг эсимга кесилган думим келади. Энди бир-бирмизни кўрмаганимиз маъқул!

И. АҲМЕДОВ.

РАССОМ ТАБАССУМИ

Сўзсиз сурат. **Рассом. А. ҲОЛИҚОВ.**

«СЕҲР»ЛИ КВАДРАТЛАРНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Қалам. 2. «Арафа». 3. Лагин. 4. Афина. 5. «Манас». 6. Палов. 7. Анапа. 8. Лафет. 9. Опера. 10. «Ватан».

(Газетамизнинг 19 ноябрь сони).

ОЛТИ ҲАРФЛИ СЎЗЛАРДАН ТУЗИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Войнич. 2. Ошанин. 3. Шексна. 4. Брянск. 5. «Чапаев». 6. Панель. 7. Пленум. 8. Мундир. 9. Алейск. 10. Кисель. 11. Парник. 12. Арарат. 13. Таллий. 14. Солдат. 15. Арслон. 16. Ангара. 17. Пломба. 18. «Динамо». 19. Теннис. 20. Металл. 21. Бронза. 22. «Аврора». 23. Ереван. 24. Ремонт.

(Газетамизнинг 12 ноябрь сони)

«ЖОНАЖОН ВАТАНИМИЗНИНГ МАШҲУР КИШИЛАРИ» КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Соат стрелкасининг айланишига ўхшаш йўналиш бўйича:

1. Кожедуб. 2. Туполев. 3. Неверов. 4. Соколов. 5. Горький. 6. Симонов. 7. Тонарев. 8. Ферсман. 9. Раҳимов. 10. Шолохов. 11. Новиков. 12. Поле. вой.

Соат стрелкасининг айланишига тескари йўналиш бўйича:

13. Исаев. 14. Нерис. 15. Цицин. 16. Титов. 17. Котов. 18. Носов. 19. Попов. 20. Котик. 21. Тихов. 22. Колас. 23. Ванин 24. Тисса.

(Газетамизнинг 26 ноябрь сони)

Тузувчи: Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ.

ДАМ ОЛИШ СОАТЛАРИДА

КРОССВОРД



Бу кроссворддаги сўзларнинг ҳаммасида унли ҳарфлардан фақатгина «Е» қатнашади.

ГОРИЗОНТАЛ БУЙИЧА: 1. Саноат корхонасининг асосий ишлаб чиқариш бўлими. 6. Синтетик научукни саноатда олиш усулини ишлаб чиққан атоқли совет органик химиги, академик. 8. РСФСРнинг Калинин областидаги шаҳар. 11. Бирор давлатнинг расмий белгиси, тамғаси. 12. Шимолий Кавказдаги дарё. 13. Германиянинг Шимолий денгизга қуйилувчи дарёларидан бири. 14. Кучли қуролланган теэюрж катта ҳарбий кема. 15. Организмнинг ташқи таъсирга жавобан олий нерв системасининг иштирокида кўрсатадиган реакцияси. 19. Спортда машқ, тренировка раҳбари. 20. Қўшиннинг зарур пайтда жангга киритиш учун қўмондонлик ихтиёрида қолдирилган қисми. 23. Таниқли рус физиги академик (1804-1865). 24. Оғирлик ўлчовларидан бири. 26. Болқон яриморолида яшовчи миллат. 29. Швециядаги энг катта кўл. 30. Озарбайжон ССРдаги дарё (Қуранинг ўнг ирмоғи). 33. Украина ва Молдавиядан оқиб ўтиб, Қора денгизга қуйилувчи дарё. 34. Нидерландиядаги шаҳарлардан бири. 36. Швейцариянинг маркази. 37. Енилги — қора ёки қўнғир рангли, ўзига хос ҳидли, сувдан енгил мойсимон минерал суюқлик. 39. Франциянинг ғарбий қисмидаги шаҳарлардан бири.

ВЕРТИКАЛ БУЙИЧА: 2. РСФСРнинг Липецк областидаги шаҳар. 3. Таниқли совет шахматчиларидан бири (1941 йилдан бери гроссмейстер шахмат бўйича бир неча марта СССР чемпиони бўлган). 4. Днестр дарёсининг чап ирмоғи. 5. Ҳукуматнинг, олий давлат органларининг қонун кучига эга бўлган муҳим қарори, фармони. 7. Жундан тўқилган иссиқ, устки кийим. 9. Машҳур совет ашулачиси, СССР халқ артисти. 10. Каспий денгизининг шарқий соҳили (Туркманистон ССРдаги ярим орол. 16. Англиянинг Бристоль қўлтиғига қуйилувчи дарёси. 17. Қурилиш материалларининг бир тури. 18. Бразилиялик машҳур футболчи. 19. Парвозга тиркаладиган сувхона ва ёқилғихона. 21. Франциянинг 1914-1918 йилларидаги жаҳон урушида катта роль ўйнаган қалъа-шаҳри. 22. Майиз солиб пиширилдиган ширин нон. 25. Бир соҳага оид бир неча ишлаб чиқариш корхонасининг бирлашмаси. 27. Швециянинг жанубидаги қатта қўлларидан бири. 28. Ер сурадиган, йўлларни текислайдиган машина. 31. Виставка экспонатлари қўйиладиган жой ёки уларни осиладиган шчит. 32. Поезд ва трамвайлар юрадиган пўлат из. 33. Узунлиги жиҳатидан Европада учинчи ўринда турадиган ва Қора денгизга қуйиладиган дарё. 35. СССРнинг шимолий қисмида яшовчи халқлардан бири. 38. Сўз туркумларидан бири.

ЛАХТАКХЎРЛАР

Валентин Степанович Леонов ўз кўнглига келган фикрни бировга айтишга олдин анча андиша қилди. Кейин билса ҳазил, билмаса чин қабилида иш тутиб, юрагини кемираётган ҳис-туйғуларни бирорта ўртоғига айтмоқчи бўлди. Ўйлаб-ўйлаб ўз фикрини гумаштаси Шлем Либович Перельманга айтмоқчи бўлди. У кўпни кўрган — Леоновнинг ишига дарҳол тушунади.

Шу мақсад билан кунларнинг бирида Перельманни ресторанга чақирди.

— Шлём Либович, мактабда зоологиядан қанақа баҳо олардингиз?

— Чамамда бирор нарсани ўйлаётганга ўхшайсиз-а?— Сўроққа сўроқ билан жавоб берди Перельман.

— Кеча бир ажойиб ишнинг шохини бўлдим. Товуқ сўйсам, унинг жиғилдонидан бир сиқим тош, шиша, майда темирлар чиқса бўладими?

— Товуқларнинг организми ўша тошларни ҳазм қилишга мослашган.

— Балли, энди ўзингизга келдингиз. Немис зоологи Брэмнинг «Ҳайвонлар ҳаёти» китоби яқинда қўлимга тушиб қолди. Бекорчиликдан уни вараклаб карасам, тоғдаги каклиқлар, ўрдак ва ғозлар ҳам анча-мунча тошни кўрдим демай ҳазм қилиб юборишар экан. Булар-ку, шунчалик кичкиналигига қарамай, тошларни ҳазм қилар экан, наҳотки биз акли бандалар шунчалик қобилиятга эга бўлмасак, деган фикр бошимни қотирди. Ўйлаб-ўйлаб бир фикрга келдим...

— Қани, эшитайлик?

— Ўзингизга маълум. Биз кўп ҳолларда тўқимачилик комбинатидан ҳар хил лахтаклар оламиз. Уларнинг метри эмас, килоси тўрт-олти сўмдан.

— Лахтакни есан нима бўлади демоқчимисиз?

— Ақлингизга офарин!

— Тўрт амални биламиз. Тийинни чўтга солиб сўм қилиш ҳам қўлимиздан келади.

— Отангизга раҳмат, мен ҳам худди шуни гапирмоқчи эдим. Тушунганнинг садағаси кетсанг арзийди. Лахтакни ҳазм қилиш қўлимиздан келмаса ҳам пулни ҳазм қилишнинг йўлини топармиз.

Шундай қилиб, маслаҳат бир жойга қўйилди. 1965 йилнинг декабрь ойида 153-қурилиш трестига қарашли 17-қурилиш бошқармаси таъминот бўлимининг бошлиғи Валентин Степанович Леонов тўқимачилик комбинатидан бир тонна лахтак олиб келди. 2.900 сўмлик бу лахтакни қурилиш участкасига бормай, биринчи сил касалликлари касалхонасининг даволаш-ишлаб чиқариш устахонасига топширди. У ердан эса, бу лахтак ўрнига бир тонна турли увада ва қийқимларни олиб, 17-қурилиш участкасининг бош механиги Гусеновга кирим қилди.

Ниҳоят, Леонов иши юзасидан текшириш ўтказилди. Текшириш натижасида Тошкент тўқимачилик комбинатининг туриб қолган молларни жўнатувчи бўлим бошлиғи Керимов Леоновга мутлақо фондга кўрсатилмаган лахтакни берганлиги, сил касалликлари шифохонаси даволаш-ишлаб чиқариш устахонасида эса бу лахтак олинганлиги ҳақида ҳеч қандай из қолмаганлиги аниқланди. Лахтакни Леонов, Перельман биринчи шифохонанинг даволаш — ишлаб чиқариш устахонаси мастери Михаил Михайлович Посховер билан тил бириктириб, Отабеков ва Жабборов исмли шоферларнинг машинасида Чигатой кўчасининг Оҳанчи проездидаги 60-уйга юборишган. 3-сил касалликлари шифохонасида даволанувчи Саъдуллаев орқали бозорга чиқариб сотишган. Ниҳоят, жиноят устида улар қўлга тушган.

Яқинда пойтахтнинг Октябрь райони халқ суди Перельман, Посховер, Леонов ва уларнинг ҳамтовоқлари 17-қурилиш участкасининг бош механиги Гусенов, шифохона омборчиси Маҳмудов, тўқимачилик комбинати ходими Керимовларнинг ишини қараб чиқди.

Жиноятчилар ўз қилмишларига қатъий иқрор бўлишди. Перельман, Посховер, Леонов тўрт йилдан олти йилгача муддат билан қамоқ жазосига, Керимов, Гусенов, Маҳмудов турли муддатлар билан шартли ишлаб беришга ҳукм қилишди.

Х. ҲАКИМОВ.

● Бобо неварасига насиҳат қилибди:

— Ҳеч қачон ёлғон гапирма, ёлғончилик ёмон одат.

Шу пайт эшик тақиллаб қолди.

— Тото, бориб эшикни оч, — деди бобо, — агар мени йўқласалар, уйда йўқ деб айт.

⊙ — Кеча хотинингизни кўрдим. Шундай йўталардики, хамма унга қарарди. Балки касалдир.

— Йўқ, у янги кўйлак кийган эди.

⊙ — Қайси ойда аёллар камроқ гапирадилар?

— Февраль ойида?

— Нега?

— Чунки у бошқа ойлардан калтароқ-да!

⊙ Ўқитувчи — Электр билан чақмоқнинг фарқи нимада?

Ўқувчи — Чақмоққа ҳақ тўланмайди.

⊙ — Марҳамат, иккита билет беринг.

— Борис Годуновгами, Отеллогами? сўради, кассир.

— Э, йўқ, хотиним билан ўзимга!

⊙ Ўқитувчи — Рене, кани айт-чи, сичқон канча яшайди?

Ўқувчи — Бу мушукка боғлиқ.

⊙ Тони, сен шундай қилиб имтиҳонлардан қутулдингми?

— Ҳа, мен энди ўқитувчидан ҳам кўп биламан!

— Қанақасига?

— Ҳм, мен олтинчига ўтдим, ўқитувчи эса бешинчида дарс беради.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 3 бет

4 ДЕКАБРЬ, 1966 Й.



Тошкентдаги В. И. Ленин номли хотин-қизлар педагогика билим юрти студентлари ўртасида спорт билан шуғулланувчилар сони тобора ортиб бораётир. Сиз суратда шу билим юртининг студенткаси Манзура Нурбоеванни кўриб турибсиз. Яқинда у велосипед спорти бўйича биринчи разряд нормасини бажарди.

М. Нуриддинов фотоси.

Спорт

ЧАРМ ҚЎЛҚОП УСТАСИ

Американинг бокс бўйича собиқ чемпиони, СССР да хизмат кўрсатган тренер, марҳум Сидней Льович Джаксон номини шаҳримизда чексиз ҳурмат билан тилга оладилар.

Биз шогирдларидан бири Давид Натанович Цинк ҳақида гапирар эканмиз, Сидней Льовичнинг республикамизда бокс спортининг ривожлантиришдаги катта хизматларини яна бир бор ёдимиздан ўтказамиз. Давид Натанович, моҳир тренер Сидней Льович раҳбарлигида шуғулланар экан, бокс сирларини қунт билан ўрганди.

Джаксон ёрдамида тез орада чеккон, юксак техникали Цинк моҳир чарм қўлқоп устаси бўлиб етишди. 1940—1941 йиллар енгил вазнлилар котегориясида республика чемпиони бўлибгина қолмай, Урта Осиё ва Қозоғистон боксчиларининг мусобақасида 1 ўринни қўлга киритди. У бу билан қаноатланмай, шу йиллари Украина биринчилигида конкурссиз қатнашиб, ҳамма учрашувларда мағлубият нималигини билмай, биринчи ўринни эгаллади.

Цинк 1942—1943 йиллар Узбекистон, Урта Осиё ва Қозоғистон чемпиони бўлиб келди.

У «Спартак» кўнгилли спорт жамияти Узбекистон биринчилиги мусобақаларининг бир неча бор ғолибидир.

У Тошкентдаги 46-мактабда кўп йиллардан бери ишлаб келмоқда. Район ва шаҳар спартакиадаларининг бир неча бор ғолибидир. Район кўчма Қизил байроғини 2 марта қўлга киритган.

Давид Натанович спорт турлари бўйича юзлаб юқори разрядли спортчилар етиштирди, шогирдларидан СССР спорт мастери Михаил Ортенбург, Фёдор Васильевларни ким танимайди дейсиз.

Шу кунларда у Тошкентдаги 132-мактабда физкультура дарсларини олиб бормоқда. Мактаб спортчилари моҳир тарбиячи раҳбарлигида район ва шаҳар спартакиадасига қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

А. ТУРҒУНОВ.

СПОРТ ОЛАМИДА

Г. Качалин ва Н. Симонян раҳбарлик қилаётган СССР олимпиа терма командаси ўқув-тренировка машғулотларини Сочида ўтказмоқда.

* * *

Бу йилги мамлакат чемпионатининг кумуш медали эгаси — Ростов армиячилари Бирлашган Араб Республикасида ўтказаётган ўртоқлик учрашувларини давом эттиришмоқда. Қоҳира шаҳрида БАР терма командаси билан бўлган учрашув 2:1 ҳисобида Ростов армиячилари фойдасига ҳал бўлди.

* * *

«Арарат» командаси Эронда бир неча ўртоқлик учрашувларни ўтказиш учун жўнаб кетган эди. Ереванликлар 2 та ўртоқлик учрашуви ўтказдилар. «Дарай» командаси билан бўлган матч 2:2 ҳисобида дуранг натижа билан тугади. Теҳрон шаҳри терма командаси билан бўлган матч 1:0 ҳисобида Арманистон футболчилари фойдасига ҳал бўлди.

* * *

Яқинда Бразилиянинг Арамбу шаҳрида янги кафе очилди. Бу кафе «Футбол» деб номланди. Ресторан уч залдан иборат. Бу уч зал футбол бўйича охирги уч жаҳон чемпионатига бағишланиб, шулар номи билан аталган. Биринчиси — «Швеция», иккинчиси — «Чили», учинчиси — «Англия» деб номланган.

Залнинг деворларини машҳур футболчиларнинг расмлари безаб турибди. Бу машҳур футболчилар кафеда текинга овқатланишлари мумкин.

* * *

1972 йилда ўтказиладиган олимпиа ўйинлари эмблемасининг проекти аниқланди. Бу тўрт бурчак шаклида бўлиб, тўғри бурчак формасига эга. Унинг тепасида қуёшнинг тушиб турган акси, ўртасида қорнинг акси, энг тагида эса сўнгги йилларда ўтказилган беш олимпиа мусобақаларининг нафоси бўлган беш халқа ва «Саппоро — 72» деб ёзиб қўйилган.

Москва театрларининг премьераси

М. Н. Ермолов номидаги Москва театри француз драматурги Жан Ануянинг «Қароқчилар базми» комедиясининг премьерасини намойиш қилди. Бу асар буржуа жамиятининг ахлоқини фош этади.

Суратда: спектаклдан бир кўриниш. Чапдан ўнгга: Ева — артистка Н. Архангельская, Леди Хэф — РСФСРда хизмат кўрсатган артистка Э. Кириллова, лорд Эдгар — РСФСР халқ артисти В. Якут, Петербоно — РСФСР халқ артисти В. Лекарев.

М. Строков фотоси. ТАСС фотохроникаси.

Совет Армиясининг Марказий театри А. К. Толстойнинг «Иоанн Грознийнинг ўлими» трагедиясини саҳналаштирди. Бу пьеса бундан ўттиз йил муқаддам Москвада қўйилган эди.

Суратда: спектаклдан бир кўриниш. Шоҳ Иван Васильевич IV — СССР халқ артисти А. Попов, руҳоний — РСФСР халқ артисти Н. Копофидин.

Н. Кулешов фотоси. ТАСС фотохроникаси.

Суд залидан

ЖАМОАТЧИЛИК НИМА ДЕЙДИ?

Тошкентдаги 1-туғруқхона клиникасида Анна Нагорова секретарь-машинистка бўлиб ишларди. Ишхона хизматчиларининг меҳнат дафтарчаларига думалоқ муҳр босиб беришин ҳам маъмурият бу кишига вазифа қилиб юклаганди. Афсуски, Анна ишончин оқламади. У туғруқхонадан туз ичиб, унинг туздонига тупурди.

«Даврнинг келганда сур бегим» қабилида иш тутган Анна туғруқхона эшигини кўрмаган онаси А. Нагоровага «1937 йилнинг 29 февралидан то 1954 йилгача шу туғруқхонада санитарка бўлиб ишлаган», деб меҳнат дафтарчаси ёзиб беради. Қизининг «олий ҳиммат»лигидан бошн осмонга етган она: «тўя кўрдингми — йўқ» дея меҳнат дафтарчасини эҳтиётлаб сақлайди. Орадан йиллар ўтади. «Менинг меҳнатларимга нафақа берилсин», деган талаб билан дўндириб ариза ёзиб, Октябрь район социал таъминот бўлимига боради.

А. Нагорованинг аризаси кўрилиб, талаби қондирилди. 1960 йилнинг 31 майидан бошлаб А. Нагоровага 31 сўм миқдорда ойлик пенсия тайинланди.

Қиғир ишнинг қийини чиқди. Оммавий текширишларда қалбаки меҳнат дафтарчасига асосан берилган стажларнинг чуви чиқди. Аннанинг жиноятн фош этилди. Дарҳол ҳисобдонлар чўт қоқишди. Шоввоз минг сўмга яқин қовурғаси синмаган давлат пулини жиғилдондан ўтказиб юборипти. Бизни ҳайратда қолдирган нарса шундаки, Октябрь район социал таъминот бўлимининг раҳбарлари айбдорни жазога тортиш ўрнига, жазолаш муддати ўтгунга қадар унинг ишини тергов идораларига бермай ўзларида сақлаганлар. Пенсия берилган одамдан «ғайри қонуний олган 900 сўм пулни тўлайман», деган тилхат олиб, делога тикиб қўйишган.

Яқинда Чилонзор район халқ судининг судьяси М. Отахонова раислигида А. Нагоровадан ғайри қонуний олган 837 сўм пулни давлат фойдасига ундириш ҳақида ҳукм чиқарди. Айбдор А. Нагорованинг қилмишига яраша жазога тортилмай қолишида ҳимоячилик қилган район социал таъминот бўлимининг раҳбарларига ҳукмни жамоатчилик чиқарар, деган умиддамиз.

Ҳ. ТОШХЎЖАЕВ.

Халқ маслаҳатчилари Советининг раиси.

Учқун Назаров

— Айтмабсиз-да, ўзларига муносиб иш топиб берардик ахир.

Расулжон илжайиб қўяқолди.

— Ҳа, майли, — деди Мирзаев папирос ўтини кулдонга эзғилаб. — Буёғиниям ўйлашиб кўрармиз. Сиз энди бориб ишингизни қилаверинг. Мен буни, — деди Мирзаев папкага ишора қилиб, — ўқиб чиқай, кейин бафуржа гаплашармиз.

— Хўп, домла, — деб Расулжон ўрнидан турди.

— Ҳа, дарвоқе, — деди Мирзаев бирон нарсани эслагандек Расулжонни тўхтатиб. — Овга иштиҳанг қалай?

— Ов? — деди Расулжон ва тушунмай кўзларини пирпиратди. — Қанақа ов?

— Қанақа бўларди? Росмана ов-да? — деди Мирзаев кўтаринкилик билан. — Қирғовул! Ўрдак!

Расулжоннинг кўзлари чақнаб кетди.

— Мен ҳеч ов қилган эмасман, домла...

— Қилмаган бўлсангиз, энди қиласиз-да! — деди Мирзаев Расулжонни қизиқтириб. — Шанба куни мен келинойнингиз билан овга кетяпман, истасангиз сиз ҳам оилангиз билан бизга ҳамроҳ бўлинг. Бир-икки кун ташвишлардан нариоқда ҳавойи дам олиб келамиз.

Расулжон Мирзаевнинг кароматидан эсанкираб, бир зум гапиролмай қолди. Беихтиёр кўзи Мирзаевнинг бармоқлари чертиб турган папкасига тушди. «Тушимми ё ўнгимми? — деб ўйлади Расулжон ҳаяжон қуршовида. —

Ишинг ўнгидан келса шу-да, омад ўзи қувлайди. Демак, диссертация энди...»

— Агар вақтингиз танқис бўлса, — деди Мирзаев Расулжоннинг хаёлини бўлиб, — хижолат бўлманг, ўзимиз кетаверамиз...

— Йўқ, йўқ, домла, — дея шошилиб жавоб берди Расулжон. — Вақтдан кўпи борми? Бажонидил! Келинингиз ҳам хурсанд бўлади...

— Жуда соз! — деди Мирзаев Расулжоннинг сўзини бўлиб. — Демак, шанба куни тушдан кейин жўнаймиз...

Назокатхон эрининг топиб келган хабаридан қувонди.

— Диссертация пишадиганга ўхшаб қолди, — деди Расулжон пировардида. — Сизга ҳам иш топиб берадиган бўлди. Тагин, — огоҳлантирди Расулжон, — кўрс гапириб, ишнинг пачавасини чиқариб қўйманг. — Расулжон эътироз билдирмоқчи бўлган хотинига кафтини рўпара қилди. — Хўп денг. Шунақа одатингиз йўқ эмас.

Назокатхон индамай қўя қолди.

Эр-хотин шанба кунини ҳаяжон ва интизорлик билан кутишди.

Ниҳоят шанба куни улар келишилган жойга етиб боришганда, қора кўз ойнак таққан Мирзаев машинаси рулига тирсагини тираган ҳолда паришонлик билан папирос тутатиб ўтирарди.

— Келинойим кўринмайдилар? — деди Расулжон салом-адиқдан кейин машина ичига ишора қилиб.

— Қаранг, — дея шикоятомуз гапирди Мирзаев. — шу бугунга келганда тоби қочиб қолса бўладими?

— Бормаймизми бўлмаса? — хавотирланиб гапга аралашди Назокатхон.

— Нега? Кетаверамиз. — деди Мирзаев ва машина эшигини очиб, — марҳамат, — деди...

Орқага Назокатхон, Мирзаевнинг ёнига Расулжон ўтирди.

— Келинойим касал бўлсалар, кетишимиз қандай бўларкин? — деди Расулжон машина кўзгала бошлаганда хижолат чеккандек.

— Ҳечқиси йўқ, — деди Мирзаев ва бармоғига кўзсиз узук тақилган ўнг қўли билан орқани кузатиш учун ўрнатилган ойначани салгина бурувди, ойначада Назокатхоннинг қайрилма киприклар билан ҳошияланган ҳумор кўзлари пайдо бўлди. — Шунчаки тумов, — деди гапида давом этиб Мирзаев, — йўлда баттар шамоллашдан қўрқди.

Йўл давомида у ёқ-буёқдан гаплашишди, гаплар тугаб, жимлик чўкди. Фақат машинанинг мотор товуши, шамолнинг пишқириши ва аҳён-аҳёнда чап томондан ўтган машиналарнинг ғув-ғуви эшитиларди, холос.

Назокатхон орқада ўтириб Мирзаевга тикилар, унинг гарданигача тушган қорасидан оқи знёд қўнғир сочига қараб, олимдан кўра кўпроқ артистларга ўхшатарди. Ҳар гал Мирзаев орқасига ўгирилиб, «Шамол тегмаяптими, ойнани ёпиб қўяйми?» деб сўраганда, Назокатхон унинг кенг пешонасини, чайир қошини, хиёл чимирилган ва ғазаб пуркишга тайёр кўзларини, тўмток қоқ ўртасида чўқур ариқчаси бор иягини кўриб, негадир юраги орзиқиб кетар ва ичида, бу зўр иродали, айтганини қила оладиган одам бўлса керак, деб ўйларди. У беихтиёр суянчиқ орқасидан зўрга кўринган турган эрининг бир тутам сочли кичкина бошига кўз ташлар экан, забардаст елкали, сержунлигидан соати ҳам кўринмай кетган, ҳар бири кели дастасидек йўғон қўлли Мирзаев олдида ўзининг эри мушук боласидек ушоқ ва ожизчи бўлиб туюларди. Айниқса Мирзаев бирон нарсадан сўз очса, ибора ахтариб ўйланса, Расулжон унинг оғзига илтижо билан тикилар, гапи тугаганда зўраки кулиб маъқуллар ва хотинига юзланиб, «Қойил-а!» дегандек бош чайқар эди. Назокатхон кулгига қўшилмас, энсаси қотганидан юзини бошқа томон ўгириб, ўзини эшитмаганликка соларди. Хотинининг баралла кулмаганидан Расулжон Мирзаев олдида бир қадар мулзам бўлар ва «яна бирон нарса тегди шекилли, қовоғи осилиб қолди», деб ўйлаб, юрагига ғулғула тушарди.

Мирзаев Назокатхоннинг маъюс чеҳрасини ойначада кўриб:

— Хомушсиз, Нозокатхон? — деб сўради.

— Йўқ, асло, — деди-да, Назокатхон иликқина жилмайиб қўйди, кейин бир нарса эсига тушгандек. — хомушлигимни қандай кўрдингиз, кўзингиз йўлда-ку? — деб сўради.

Мирзаев рўпарада ойнача борлигини айтмади, ҳатто бу ойначани Назокатхон пайқамаганидан хурсанд бўлди, чунки бундан кейин ҳам тап тортмай Назокатхоннинг чиройли юзини томоша қилиб кетиш мумкин эди.

— Елкамда ҳам кўзим бор, — дея қолди Мирзаев ҳазил йўлига.

(Давоми бор).

(Боши газетанинг 1—2 декабрь сонида).

Ўйлаб-ўйлакай

Дилозор сотувчи

Магазин харидорлар билан гавжум.

30-35 ёшларга кирган, кўринишдан чеҳрасидан заҳар ёғилиб турган сотувчи йигит навбати йўқ икки кишига истаган нарсани тортиб берди. Бу ҳол бир неча бор такрорланган эди. Ўз навбати келишини кута-кута тоқати-тоқ бўлиб кетган харидорлардан бири сотувчига:

— Навбати билан бер-сангиз бўлмайдими? — мурожаат қилди.

Сотувчи ҳалиги харидорга ўқрайиб қаради-ю, деди:

— Опаси буйруқ берманг! Хўжайинимиз ҳали туғилгани йўқ. У бу гапига кўнгли тўлмади чоғи, харидор Адолат Хўжаеванинг ҳақлиги учун унинг ёнини олган харидорлари ҳам кураклда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилди. Гап уқмас, дилозор бу сотувчининг қўпол муомаласидан бу ердаги барча харидорларнинг таъби хира бўлиб кетди. Кўпчилик харидорларнинг талаби билан «шикоят» дафтарига бу қўпол сотувчининг хатти-ҳаракатини кўрсатувчи сўзлар ёзилди.

Агар сиз Чилонзор районидаги 8-кварталда жойлашган 8-озиқ-овқат маҳсулотлари магазинида бўлсангиз, магазин сотувчиси Абдураҳмоновнинг бекордан-бекорга харидорларни ранжитиб, қўпол сўзлар билан ҳақорат қилиб туришдек кўнгилсиз воқеаларнинг устидан чиқасиз. Сиз унга сатқаи сотувчи кет, деб юборасиз, беихтиёр.

Бу дилозор сотувчининг 1-автобазанинг 1-маршрути бўйича А. Хўжаева, шахсий пенсионер И. Новиков, шаҳарга Бухородан меҳмон бўлиб келган З. Золотухина, М. Еремеева каби харидорларни ҳақорат қилиб ранжитганига нима дейиш мумкин? Ишонмасангиз магазиндаги таклиф ва шикоят дафтарини варақланг.

Чилонзор райпищеторгидаги раҳбарлар орасидан Абдураҳмоновдек кўрс, дилозор сотувчини жиловини тортиб қўювчи бирор киши топилмаганига ҳайрон қоласан, киши?!

К. ҲАМРОЕВ.

"СИЗГА РАҲМАТ, ОДАМЛАР!"

Шундай сарлавҳали биринчи китоб бундан икки йил бурун чиққан эди. Энди эса унинг тузувчилари — Сергей Михалков билан Константин Симонов совет кишиларининг қаҳрамонлиги тўғрисидаги материалларни тўплаб, иккинчи тўпламни ҳосил қилдилар ва китобхонларга тақдим этдилар. Москвадаги «Молодая гвардия» нашриётн китобни босиб чиқарди.

Мамлакатимизда кун сайин янги-янги ажойиб жасоратлар туғилмоқда, янги довюраклар пайдо бўлмоқда. Китоб авторлари шу йили чиққан жуда кўп газеталарни варақлаб, материалларни ўқиб, энг қизиқ фактлар тўғрисидаги мароқли хабарларни танлаб олишди.

Китоб «Москва, 1941 йил» деган боб билан очиладн. Бундан чорак аср муқаддам Ватанимиз пойтахтининг ҳимоячилари улуғ жасорат кўрсатмаганларида эди, ҳозирги кунлардаги жасоратлар ҳам бўлмаган бўлур эди. Китобнинг кейинги боблари Ватан ҳимоячиларининг шонли традицияларини давом эттираётган замондошларимизнинг қаҳрамонона ишлари тинимсиз давом этаётганлиги кўрсатилади.

Давр ва воқеалар китоб тузувчиларни табиий офатдан шикастланган Тошкентдаги воқеалар ва жасоратлар тўғрисида, мамлакатимизнинг турли бурчакларидан қаҳрамон шаҳарга дўстлик ва ёрдам қўли узатилганлиги ҳақида ҳикоя қилувчи яна бир боб тузишга мажбур қилган. Бу боб «Одам — одамга дўст» деб аталади.

Саҳифалардан бирига: «Авторлар билан тузувчилар китобга тегадиган гонорарни Тошкентга ёрдам фондига берадилар» деб ёзиб қўйилган.

(ЎзТАГ).

Тошкент оқшоми нақадар гўзал.
Суратда: Санъат саройининг кечки манзараси.
Рассом Б. ШИРХЕВА.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 5/XII да **Санъат усталари концерти**, 6/XII да **Жизель**.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/XII да **Парвона** (кундуз ва кечқурун), 6/XII да **Алишер Навоий**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/XII да **Қалам қошлигим**, 6/XII да **Ўғил уйлантириш**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Йиртқич ҳайвонларни ўргатувчи **Иван Рубан, ўзбек цирк коллективи ва қизиқчилар группаси**.

Кино театрларда

КИНО

Уруш ва тинчлик (2-серия) — САНЪАТ САРОЙИ (5/XII да кундуз ва кечқурун, 6/XII кеч соат 5 ярим ва 7 яримда).

Қизил соқол (1 ва 2-серия) — «ЎЗБЕКИСТОН» (5, 6/XII эрталаб соат 10, кундуз 1, 4, кеч 7 ва 10 да), «ДРУЖБА» (5, 6/XII кундуз 12, 3 ва кеч 6 да), «МИР» (5, 6/XII эрталаб 11, кундуз 1, 3, 5, кеч 7 ва 9 да), «СПУТНИК» (5, 6/XII кундуз 1, 2, 5, кеч 6 ва 8 да).

Темир ниқоб (1 ва 2-серия) — «МОСКВА» (6/XII кундуз соат 12 ва кеч 7 да).

Беҳаловат оила — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (5, 6/XII), «ВОСТОК» (5, 6/XII), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (5, 6/XII да кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб 11, кундуз 1 ва 3 да).

Валера — «ЎЗБЕКИСТОН» 25 ИЙЛЛИГИ» (5, 6/XII эрталаб соат 11 да).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
3, 4, 5 декабрда
КАТТА БАЙРАМ
ТОМОШАЛАРИ

Ўзбекистон ССР халқ артисти **А. Тошкенбоев** раҳбарлигида **ўзбек цирки артистлари**, йиртқич ҳайвонларни ўргатувчи РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Иван Рубан**, Ўзбекистон ССР халқ артисти **А. Юсупов** раҳбарлигида **қизиқчилар группаси** қатнашади.

3/XII да томошалар кеч соат 5 ва 7 яримда, 4, 5/XII да кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда бошланади.

«ЗАНГОРИ ЭКРАН»
ТЕЛЕВИЗИОН
АТЕЛЬЕЛАРИ
РЕСПУБЛИКА
БИРЛАШМАСИГА

бош ва старший бухгалтерлар, план бўлимининг бошлиғи ва экономистлар, радиоинженерлар (старший инженерлар вазифасига), **радист-техниклар**, ташқи телевизион антенналарни ўрнатиш ва эксплуатация қилиш учун **радиомонтёрлар, кадрлар инспектори**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар массив, Пионер кўчаси, 27-уй. Телефон Ж-7-07-50.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ҲАМДА ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбек тилида чиқадиган

„ТОШКЕНТ ОҚШОМИ"

ва рус тилида чиқадиган

„ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

НОМЛИ КЕЧКИ ГАЗЕТАЛАРГА ТУРЛИ ХИЛ

ЭЪЛОНЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, Ўзбекистон Ком. партияси Марказий Комитетининг Бирлашган нашриёти. 3-қават 79-хона (якшанба кунларидан бошқа ҳар куни кундуз соат 2 дан 4 гача).

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 бет

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Киров кўчаси, 22-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор ВЗ-02-49 дан ВЗ-02-58 гача. Қўшимча телефонлар: секретариат ва иллюстрация бўлими — 5-62; партия, совет ва касаба союз ташкилотлари бўлими — 3-66; саноат, қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлими — 3-66; адабиёт, санъат ва маданият бўлими — 7-83; фан, олий ўқув юртлари ва мактаблар бўлими — 7-83; физкультура ва спорт бўлими — 3-79; Ахборот бўлими — 3-78; (шаҳар телефони ВЗ-65-57); хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 3-79; эълонлар бўлими — 5—07 (шаҳар телефони — В38142).

4 ДЕКАБРЬ, 1966 Й. Р. 16175. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр. Г. 2915